

МУАЛЛИФ ПУНКТУАЦИЯСИ ВА ПУНКТУАЦИОН СИНОНИМИЯ

Нурмуротов Илхом Бекмурод ўғли,

Турон университети нодавлат олий таълим
муассасаси Шарқ тиллар кафедраси ўқитувчиси
gmail: nurmurotovilhom@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада пунктуацион синонимия, тиниш белгиларининг поэтик имкониятлари, муаллиф пунктуацияси ҳамда пунктуацион меъёрга оид назарий маълумотларнинг ёритиб берилиши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, ёзув ва тиниш белгиларининг тараққиёти ва бир-бирига таъсири таъкидланган. Бу ҳолатларнинг юзга келиши бадиий асарларда ижодкорнинг тиниш белгиларидан поэтик мақсадда индивидуал фойдаланиши натижасида қўланган гапларнинг дарсликларга олиб кирилишидир. Бу ҳодисаларга ечим сифатида қатъий қоидага буйсунувчи тиниш белгилари ва муаллиф услуби нуқтайи назардан қўлланган тиниш белгиларини бир-биридан фарқлаган ҳолда қўллаш кераклигига тўхталиб ўтилган.

Таянч сўзлар: тиниш белгилари, муаллиф пунктуацияси, ишоравий синонимия, ажратилган бўлак, қўшма гап, боғловчисиз қўшма гап.

AUTHOR'S PUNCTUATION AND PUNCTUATION SYNONYMY

Ilkhom Nurmurotov Bekmurod o‘g‘li,

Turon University is a non-state higher education
Teacher of the Department of Oriental Languages

gmail: nurmurotovilhom@gmail.com

ANNOTATION

In this article, punctuational synonymy, poetic possibilities of punctuation marks, author's punctuation, and theoretical information about punctuation norms are highlighted. In addition, the development and mutual influence of writing and punctuation are emphasized. The occurrence of these situations is the introduction of sentences used in the textbooks as a result of the individual use of punctuation marks in artistic works by the creator for poetic purposes. As a solution to these phenomena, it was pointed out that punctuation marks that follow a strict rule and punctuation marks that are used from the point of view of the author's style should be used, distinguishing from each other.

Key words: punctuation, author punctuation, figurative synonymy, participle, compound sentence, compound sentence without conjunctions

АВТОРСКАЯ ПУНКТУАЦИЯ И ПУНКТУАЦИОННАЯ СИНОНИМИЯ

Нурмуратов Ильхом Бекмурод ўғли,

Университет Турун – негосударственное высшее учебное

Заведение учреждение, преподаватель кафедры восточных языков

gmail: nurmurotovilhom@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены пунктуационная синонимия, поэтические возможности знаков препинания, авторская пунктуация, а также теоретические сведения о пунктуационных нормах. Кроме того, подчеркивается развитие и взаимовлияние письма и пунктуации. Возникновением данных ситуаций является введение употребляемых в учебниках предложений в результате индивидуального использования автором знаков препинания в художественных произведениях в поэтических целях. В качестве решения этих явлений указывалось, что необходимо использовать знаки препинания, подчиняющиеся строгим правилам, и знаки препинания, используемые с точки зрения авторского стиля, отличающие друг от друга.

Ключевые слова: пунктуация, авторская пунктуация, образная синонимия, пунктуация, сложное предложение, сложное предложение без союзов.

Ҳозирги замон ўзбек тилшунослигига бадий асар лексикасининг семантик-функционал имкониятлари, лингвопотик хусусиятлари ва уларнинг лексик-стилистик аспектда ўрганилишига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, бадий сўз ижодкорнинг тушунча ва фикрларини китобхонга етказиб берувчи коммуникатив функция бажариш билан бир қаторда улар орасидаги турли психик жараёнлар: сезги, идрок, тафаккур, хаёл, хотира, ҳиссиёт, ирода каби абстракт тушунчаларининг ҳам “ташувчиси” саналади. Бундан ташқари, ижодкор лексик воситалар орасидан функционал ҳамда эмоционал-экспрессив бўёқ ифодаловчи, шунингдек, бадий нутқ доирасида чегараланган, турли поэтик қисқартмалар ва неологизмлар, ушбу нутқка хос бўлакларнинг мутаносиблигини таъминлаш мақсадида фойдаланилган окказионал сўзларнигина қўллайди.

Ўзбек бадий адабиёти тилини ўрганишга бағишлиланган илмий тадқиқот ишларини характери жиҳатидан учга бўлиш мумкин:

1. Бадий адабиёт тилини ўрганишнинг умумий масалаларига доир ишлар.
2. Бадий асар тилини лингвистик аспектда ўрганишга доир ишлар.
3. Бадий асар тилини адабиётшунослик аспектида ўрганишга доир ишлар.

[1.5-b]



Юқоридаги тадқиқотлар, асосан, бадий услубнинг асосий иш қуроли бўлган бадий сўз ва унинг шу услуб доирасидаги маъно оттенкалари ҳакида фикр юритади. Жумладан, бадий услубда тилнинг тасвир воситалари (троплар ва синтаксик фигуралар) эмоционал-экспрессив нозикликларни ифодалашда асосий имконият эканлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, бадий нутқда тил бетакрор қиёфа, феъл-атвор, воқеликка мос манзара яратишга, юксак образлиликни намоён қилишга хизмат қиласди. [2.45-б]

Бугунги кунда олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида бадий матннинг лингвопоэтик хусусиятлари факат поэтик лексика ёрдамида намоён бўлишини эмас, балки уларда синтаксис билан узвий алоқадор бўлган тиниш белгиларининг ҳам муҳим ўрин тутишини кўришимиз мумкин. Бу жараёнлар шуни кўрасатадики, ўзбек тилида пунктуацион белгилар ва уларнинг бадий матндаги услубий хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Тиниш белгилари гапнинг синтактик қурилиши ва интонациясига таъсир этишдан ташқари жумлаларнинг семантик структурасига, ифода мақсадига ҳам маълум функционал ҳамда эмоционал-экспрессив бўёқ юклайди. Тиниш белгилари ёзма нутқни тўғри, ифодали, мантиқли баён қилишда, уни ихчамлашда, ёзма нутқ қисмларининг ўзаро мазмуний муносабатларини кўрсатишда муҳим ёзув воситаси сифатида ишлатилади. Ёзма матннинг мазмуни, синтактик тузилиши, қисмлар орасидаги маъно ва грамматик муносабатларни аниқлашда тиниш белгиларининг хизмати муҳимдир.

Бадий матнлар макон-замон хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда таҳлил қилинганда муайян тематик йўналишларни шакллантирувчи учта усулни аниқлаш имконини беради:

– Персонажларнинг характер хусусиятларини яратишда тиниш белгиларининг ўрни. Бунда муаллиф бадий асарда пунктуацион белгиларининг функцияларидан мохирона фойдаланади, улар оғзаки нутқ билан биргаликда асардаги персонажларнинг муайян сифат ва хусусиятларини ажратиб кўрсатишга ёрдам беради: *Мишашининг одатларидан бири шу эдикি, ҳар икки сўзниңг бирида «онангни...» деб туради. Muhammadiyor yolg‘uz: — Turkistonda birinchi m...m...m...artaba tia....t....t....tr, — dedi-da, fikrg‘a toldi. Bokuli muharrir biroz o ‘turub, turub ketdi;*

– Матндаги макон ва замонда тиниш белгиларининг ўрни. Бунда китобхон тиниш белгилари ёрдамида замон: — *Ota, бу бутангизга бир нима денг. Эсини йигиб олсин. Орқалаб юрган гуноҳлари ҳам етарли, энди никоксиз хотин билан... ҳамда макон: Тошкент — Андижон — Тошкент мунтазам қатновларининг тикланиши!* тушунчаларини англайди. Бу ўринларда кўп нуқта ва тире тил бирликларини тежаш мақсадида ҳам фойдаланилган.

— Воқеликни “табиий” қабул қилишда тиниш белгиларининг ўрни. Бу ҳолатда биз кўчирма гапли конструкциялар таркибидаги компонентларнинг тингловчига ўзгаришсиз ҳамда ўзлашма гап ҳолатитида етказилишини тушунамиз: — *Кираverализми?* — сўради Гулчехра.

— Ҳа, — деди Самад ва биринчи бўлиб ичкарига қадам қўйди.

Маълумки, кўчирма гапли конструкциялар ҳамда унинг ўзлаштирма гапга айлантирилган содда кўриниши синоним ҳисобланса-да, нол кўринишда (тиниш белгиларсиз) экспрессив ҳолатнинг устунлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқотлардан кўриш мумкинки, ҳозирда тилшуносликда тиниш белгиларининг таърифи ва унинг асосий тамойиллари бўйича ягона меъёр мавжуд эмас. Ёзма нутқнинг семантик артикуляцияси учун ишлатиладиган, шунингдек, муаллифнинг коммуникатив мақсадларига мувоғиқ экспрессив хусусиятларни ифодаловчи белгилар тўплами сифатида тиниш белгиларининг тор тушунчаси қабул қилинган. Маълумки, тиниш белгилари полифункционаллик хусусиятига эга. Уларнинг умумий ва хусусий вазифалари бир-биридан фарқ қиласи. Умумий функцияларига семантик, синтактик, ифодали ва стилистик хусусиятлари киради. Умумий функциялар матннинг барча тузилишлари (гап, период, микроматн, мақроматн)да маълум вазифа бажаради. Хусусий функциялар эса ҳар бир тиниш белгисига хос бўлган алоҳида сифатлар ҳисобланиб, улар синтактик бирликларнинг ёки матн қисмларининг ўзига хос грамматик ва маъно хусусиятларини кўрсатади. Бунда коммуникатив-прагматик тамойилга таянган ҳолда тиниш белгиларидан уларнинг прагматик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мулоқот жараёнининг мақсадига қараб фойдаланишни назарда тутади.

Тиниш белгилари муаллифнинг бадиий асардаги барча ҳис-туйғуларини, фикрларини, муҳим маълумотларини китобхонга етказадиган ёрдамчи воситадир. “Муаллиф пунктуацияси” деганда маълум бир муаллиф услугига хос бўлган тиниш белгилари тизими тушунилади, унинг асосий мақсади гапга эмоционал-экспрессивлик бериш, унинг муҳим қисмларни ажратиб кўрсатишдан иборат. Бадиий матндаги ушбу жараён тиниш белгиларининг қўлланилиши билан боғлиқ икки ҳодиса: муаллиф пунктуацияси ҳамда тиниш белгилари синонимияси ёрдамида намоён бўлади.

“Муаллиф пунктуацияси” тушунчаси муаллифнинг индивидуал услугига хос бўлган тиниш белгилари тизими бўлиб, вазифа ва мақсадларига кўра маълум ифодалиликни беришга, муҳим қисмини ажратиб кўрсатишга, муаллифнинг коммуникатив мақсадларига хизмат қиласи.

Тиниш белгиларига доир тадқиқотлар шуни кўрсатадики, окказионал сўзлар каби фақат маълум услуб доирасида чегараланган тиниш белгилари мавжуд эмас, балки тиниш белгиларининг баъзи функцияларигина услубий

имкониятларни юзага келтириши мумкин. Пунктуацион белгиларининг кўлланишидаги умумий меъёр ва қонуниятлар нутқ вазиятига, адабий тилнинг услугубий функциаларига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Тиниш белгиларига хос услугубий хосланиш кенг маънода бўлиб, тиниш белгиларининг ишлатилишидаги индивидуал услуг – муаллифнинг услугуга хос томонларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, фикр ифодаловчи тил бирликлари хилма-хил бўлиб, улардаги пунктуацион қоидалар барча гаплар учун умумий, бироқ баъзан тиниш белгиларининг маълум нутқ услугуга хосланиши ҳам кузатилади.

Тиниш белгилари гапнинг синтактик қурилиши ва интонациясига таъсир этишдан ташқари жумлаларнинг семантик структурасига, ифода мақсадига ҳам маълум функционал ҳамда эмоционал-экспрессив бўёқ юклайди. Хусусан, муаллиф пунктуациясининг таркибий қисми ҳисобланган тиниш белгилари синонимияси поэтик имкониятларни юзага чиқаришда муҳим вазифа бажаради. Маълумки, тил бирлилари орасидаги синонимик ҳодиса турли мезонлар асосида юзага чиқади:

- контсептуал мазмуннинг яқинлиги;
- реал вазиятнинг идентификацияси;
- позицион ўзига хослик;
- грамматик маънонинг ўзига хослиги ёки ўхшашлиги;
- гапнинг семантик тузилишининг ўхшашлиги;
- таркибий ва семантик ўхшашлик;
- синтактик вазифанинг ўхшашлиги. [3.92-b]

Рус ва европа тилшунослигига пунктуацион синонимия ҳодисаси “муаллиф тиниш белгиси”, “ихтиёрий тиниш белгилари”, “тиниш белгисида вариантлилик”, “тиниш белгилари синонимияси” “парадигматик тиниш белгилар”, “матндағи шартли белги”, “коммуникатив вазифадаги шартли белги” каби номлар билан юритилади. [4.32-b] Ўзбек тилшунослигига бу ҳодисани тадқиқ қилган К.Назаров “ишоравий синонимия” [5.8-b] терминини қўллайди. Юқоридаги атамаларнинг номланишида турлиллик бўлса-да, барча терминлар муаллиф томонидан ихтиёрий танланган синоним тиниш белгиларини англатади.

Муаллиф пунктуациясининг иккинчи компоненти, яъни тиниш белгилари синонимияси ҳодисаси матнда асосий юқ кўтарувчи нейтрал тиниш белгининг ўрнига экспрессивлик ифодаловчи синонимини қўллашдан иборат.

Матн таҳлилларидан маълумки, бадиий асар муаллифи матн ичидаги муаллифдан фарқланади. У асарда ўз дунёқарашини, яъни муаллифнинг ниятлари, муаллифнинг нуқтаи назари, дунё модели, матннинг асосий ғоясини акс эттиради. Ўқувчи эса бадиий матн воситаларини англаш орқали, муаллиф

дунёқарашининг ўзгача моделини тасаввур қиласи. Бунинг нтижасида “муаллиф – матн – ўқувчи” (муаллиф дунёқараши – бадиий матн – муаллиф дунёқарашининг модели) учлиги намаён бўлади. Бу жараёнда муаллиф пунктуацияси ҳамда пунктуацион синонимия муҳим ўрин тутади.

Пунктуацион синонимиядан фойдаланиш аниқ қоидалар билан тартибга солинмайди. Поэтик мақсадда уларнинг қўланиши матннинг коммуникатив вазифаси ёки эмоционал-экспрессив ҳамда стилистик бўёғига қараб ўзгаради. Бу ўзгаришлардан:

- бетарафлик касб этган тиниш белгиси ўрнига матннинг экспрессивигини ошириш мақсадида кучлироқ бўёқ ифодаловчи синонимини қўллаш;
- тиниш белгилари синонимиясидан фойдаланиш орқали муаллифнинг индивидуал услубини шакллантириш;
- тилнинг ички қонуниятлари асосида тиниш белгиларининг ёзув дизайн талабларига мувофиқлашуви каби мақсадлар юзага чиқади.

У ким – кутаётган юксакда туриб?

У ким – юрагига улкан сир соган? (Зебо Мирзо)

Ушбу мисралардан кузатиш мумкинки, тартиб ўзгартириш орқали ажратилган атрибутив конструкция вергул тиниш белгиси орқали эмас, балки юқорида санаб ўтилган сифатларни ўзида намоён қилиш мақсадида тиредан фойдаланилган.

Тиниш белгиларининг функционал имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда вокатив бўлак одатда вергул ёки эмоционалликка эга бўлса, ундов белгисидан фойдаланилди. Қуйидаги мисраларга эътибор қаратганда, бу функцияниң муаллиф индивидуал услубидан келиб чиқсан ҳолда тирега юклатилганини кўриш мумкин:

*Не суворий эдимки, лайло
зулфинг Зарафшинин кечмадим.
Вовайло, вовайло, вовайло,
кўнгил бир гул истайдир – надим.* (Фахриёр)

Кўпгина поэтик матнларда қўлланган тиниш белгилари турли синтактик конструкцияларда семантик алоқаларни ҳамда абстрак тушунчаларни ифодалашда фақат ёзувчининг коммуникатив позициясидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Жумладан, тиниш белгилари танлови ёзувчига жуда нозик семантик маъноларни ифодалашга, ўқувчи эътиборини асосий тушунчаларга қаратишга, уларнинг алоҳида аҳамиятини кўрсатишга ёрдам беради.

Тадқиқотлар шуни қўрсатади, матнда экспрессив “юқ ташувчи” тиниш белгиси бетараф тиниш белги ўрнини эгаллайди ва бу жараён синонимия ҳодисасини юзага келтиради. Тиниш белгиларининг синонимияси муаллифнинг мақсади билан боғлиқ ҳолда тингловчи диққатини жалб қилиш ҳамда матннинг

ифодалилигини ошириш вазифасини бажаради. Бинобарин, пунктуацион синонимияда муаллиф ўз услугуга қараб тиниш белгисини танлайды, у ёки бу белгининг қўлланишидан мақсад эса маълум маънони тингловчига етказишдан иборат.

Тиниш белгиларидан синонимик фойдаланишнинг бир неча сабабларини кўришимиз мумкин:

- баъзи тиниш белгиларнинг қўлланишида қатъий меъёрнинг мавжуд эмаслиги;
- тиниш белгиларининг контекстдаги полифункционаллиги;
- муаллифнинг маълум белгиларнинг такрорланишидан, яъни монотонликдан қочиши;
- муаллифнинг мақсадини ифодалаш учун матн экспрессивигини таъминловчи тиниш белгиларини танлаш.

Шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги ҳодисалардан келиб чиқсан ҳолда барча ижодкорларда тиниш белгилари синонимияси мавжуд деб хулосалаш нотўғри. Айрим муаллифлар ўз ижодида тиниш белгилари танловини афзал кўришса, бошқаларида улардан назарий қоидалардан четлашмаган ҳолда фойдаланганлигини кўришимиз мумкин. Бу жараён бир томондан гап ичида синтактик конструкцияларнинг бутун хилма-хиллигидан фойдаланиш имкониятини берса, бошқа томондан матндаги ҳар қандай элементни таъкидлаш вазифасини бажаради.

Пунктуация қоидалари тўла меъёрлаштирилмаган даврда ижод этган муаллифлар услуби – муаллиф пунктуацияси ҳам тиниш белгилари синонимиясининг юзага келишига сабаб бўлган[6.53-б]. Тиниш белгиларидан синонимини танлаш унинг ҳар қандай эквивалентидан фойдаланишни англатмайди. Тиниш белгиларининг турли полефоник хусусиятлари матннинг шакл ва мазмун хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда уйғунлашади.

Тадқиқотларда “тиниш белгилари синонимияси” ва “муаллиф пунктуацияси” ҳодисаларининг фарқли хусусиятлари таъкидлаб ўтилган. Жумладан, тиниш белгилари синонимияси юқорида таъкидланганидек, муаллифнинг мақсад ва ниятларига қараб поэтик имконияти кучлироғини танлашидан иборат. Баъзи ҳолларда тиниш белгилари синонимиясидан нотўғри фойдаланиш шакл ва мазмуннинг функционал ассиметриясини юзага келтириши мумкин:

Ўз ҳаётининг моҳиятини билмайдиган кишиларнинг, бефарқларнинг аҳволига вой. В.Паскаль

Фаросатсизлик, ахлоқсизлик орқасида фақат ҳузур-ҳаловатга мукласидан кетганларнинг, енгил-елни фикрловчиларнинг ҳаёти сариқ чақага ҳам арзимайди. И.Кант

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ажратилган бўлакларнинг бир томонлама вергул билан ажратиш уларнинг уюшик бўлаклардан фарқлаш имконини бермайди.

Хулоса қилиб айтганда, тиниш белгилари синонимия муаллиф пунктуациясининг таркибий қисмларидан бири саналади. Бу ҳодисани матннинг коммуникатив имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда табиий жараён деб қабул қилиш мумкин.

Iqtiboslar/Cноски/References

1. Умурқулов Б. Поэтический словарь. –Тошкент: “Фан”, 1990.
2. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. –Toshkent: 2007.
3. Сорокина, Т.С. Функциональные основы теории грамматической синонимии. // Вопросы языкознания. – 2003.
4. Андросова Ф. Авторские пунктуационные знаки в художественном тексте: функциональный аспект. Якутск 2014.
5. Nazarov K., Egamberdiyev B. O‘zbek tili ishora-imlo qoidalari. - Toshkent: O‘qituvchi, 1996.
6. Bahriiddinova B. Zamonaviy o‘zbek punktuatsiyasi asoslari. – Toshkent: «Akademnashr». 2015.